

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ҳайъат йиғилишларида иштирок этиши

Ҳайъат йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши мумкинлиги ва зарурлигини Солик қўмитаси раиси ижро этувчининг таклифи бўйича белгилайди.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этиш бўйича ташкилий ишлар ва улар учун ахборот материалларини тайёрлаш Солик қўмитасининг Жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситалари учун ахборот материаллари Ҳайъат йиғилишига тайёрланган материалларга зид бўлмаслиги керак. Мазкур хужжатларга Ижро этувчи, Ҳайъатнинг масъул котиби виза қўяди ва Солик қўмитаси раиси билан келишилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатдан ўтказишни Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими Солик қўмитаси раҳбариятини хабардор қилган ҳолда Ташкилий-ишлар ва назорат бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига иш материаллари ва Ҳайъат якуний материалларининг лойиҳалари берилмайди.

Солик қўмитаси Ҳайъати ўз фаолиятида амалдаги қонунларга мувофиқ қонунийлик, Ўзбекистон Республикаси Президентига ва бошқа юқори турувчи давлат органларига бўйсуниш ва ҳисобдорлик, бошқаришни марказлаштириш тамойилларига амал қиласди.